



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 9 февраль, № 28 (5195)

Чоршанба

ПРЕЗИДЕНТ ТОКИОГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 8 февраль куни расмий ташриф билан Япония пойтахти Токио шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

(ЎЗА).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯПОНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

ТОКИО, 8 февраль. ЎЗА махсус мухбири Олим ТУРАҚУЛОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 8 февраль куни расмий ташриф билан Токио шаҳрига келди.

Ўзбекистон ва Япония муносабатлари аънавий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ривож топмоқда. Ҳамкорлик кўлами ва йўналишлари томонлар манфаатларига мос тарзда йил сайин кенгайиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Ташрифнинг асосий воқеалари 9 февраль куни бўлиб ўтади. Олий дара-

жадаги учрашув ва музокаралар давомида икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади. Уларнинг якунида томонлар ўртасида расмий ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА).

Халқимиз фарзанд тарбиясига ҳамиша эътибор билан қарайди. Уларнинг яхши билим олиши, бирор бир касбни эгаллаши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишини хоҳлайди. Мана шундай эзгу ниятнинг амалга ошиши учун мамлакатимизда таълим соҳасига жуда катта аҳамият берилмоқда.

ЧЕКСИЗ ҒУРУР ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Жойларда бири-бирдан ажойиб мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг кадр ростлаётгани бунинг ёрқин ифодасидир. Ана шундай замонавий даргоҳларда таҳсил олаётган ёшларимизнинг интеллектуал жиҳатдан етуқ, дунёқароши кенг, муҳими, шу юрт эртаси учун масъулиятни ҳис

нодаги шон-шараф ишига айланди. Шу боис ҳам вояжлик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг кадр ростлаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ана шундай замонавий даргоҳларда таҳсил олаётган ёшларимизнинг интеллектуал жиҳатдан етуқ, дунёқароши кенг, муҳими, шу юрт эртаси учун масъулиятни ҳис

Мардлар кўриқлайди Ватани!

қила билиши қалбимизга чексиз ғурур бағишлайди.

Гапни бежиз таълим тизимидан бошлаганимиз йўқ. Келажагимиз эгаларини Ватанга садоқатли, фидойи, жасур ва мард инсонлар сифатида камол топтиришда чинакам ҳаёт мактаби, дея таъриф берилмаётган миллий армиямиз ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Утган давр мобайнида Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақ янги тизими шакллантирилган, мuddатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, мuddатли ҳарбий хизматга қақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, сафарбарлик-қақирув резерв хизматининг жорий қилинган Қуролли Кучларимизнинг қиёфасини, унинг жанговар имкониятларини тубдан ўзгартирди. Ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳит соғломлашти, энг асосийси, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат тўғриси ошди. Эндиликда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки том маъ-

хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиб тўғрисида”ги қарорига асосан, ёшларни мuddатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлар куни кеча Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармалари йиғин пунктларида ташкил этилди. Унда давлат ҳокимияти органлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари вакиллари, уруш ва меҳнат фақриилари, ҳарбийлар ҳамда қақирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, оsoйишталик тўғрисида барча соҳалар жадал ривожланишда, одамларимиз ўз хоҳиш-иродасининг рўёбини кўрмоқда, турмуши фаровонлашиб, эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётир. Бунда Юртбошимиз раҳнамолигида профессионал асосда шакллантирилган миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор.

(Давоми 2-бетда).

УМИДИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ, БАХТИМИЗ

бўлган ёшлар нафақат эртанги куннинг, балки бугунимизнинг ҳам ҳал қилувчи кучидир

Юртимизда касб-хунар ўрганишга иштиёқманд ёшлар жуда кўп. Зотан, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар ёш авлоднинг замонавий коллежларда нафақат пухта билим, касб-хунар эгаллаши, балки ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлишини ҳам кафолатлайди.

Таълим

Шундай экан, ўрта махсус билим юртларида ўқитиш тизимини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқувчиларнинг билим ва касб маҳоратини амалий машғулотлар орқали мустаҳкамлаб бориш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Айни пайтда Андижон вилоятидаги мавжуд 117 та касб-хунар коллежи фаолиятида ҳам ана шундай илғор педагогик услублар асосида билим, юксак қобилият ва салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда вилоятда ушбу ўқув муассасаларини 40 минг нафардан зиёд ўқувчи битиради. Уларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласига ҳозирдан қиришилмоқда. Бу борада турли қорхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилаётган ўқув-амалиёт машғулотларининг аҳамияти катта бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

«Абадият гулшани»

«АЛИШЕР НАВОЙДЕК ШОИР БОРЛИГИДАН БЕҲАД ҚУВОНАМИЗ»

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида юзлаб мақола ва китоблар ёзилган. Лекин ҳар бир қалб унинг ўлмас асарларини ўқийтиб, Навоийни ўзича, тафаккур кучи этганича қабул қилади. Ким Навоийни илк бор ўқитган бўлса, уни қайта-қайта ўқиб, ўз чанқоғини босмоқчи бўлади. Шундай экан, бу сирли ижоднинг жозибаси не? Ҳазрат Навоий меросининг мангулигига не сабаб?

Инсоният, мана, 570 йилдирки, ана шу муаммо устида бош қотиради. Ўз даврининг маликулаломи мавлоно Лутфий ёш шоирнинг бир байтига туркий ва форсий тил била айтқон 12 минг байтини алишмига тайёр эканини билдиради. Навоий “Ҳазойин ул-маоний” деб очасида кунига 5-6 байт, баъзан ундан ҳам ортиқроқ ғазал айтганини эътироф этади. Умуман, нодир истеъдод ва тинимсиз ижод тўғрисида шуҳрати жаҳонни тутган етти девонга тартиб берилди. 25 ёшлик шоирнинг муҳиблари “Илк девон” тузиб, улғу шоир асарларини китобат қилдилар. Сўнгра икки “Бадойиё ул-бидоя” ва “Наводир ул-ниҳоя” каби девонлар якунига етди. Ниҳоят, Ҳазрат Навоий ўз ашъорини жамлашга қарор қилди: Тўрт девондан иборат “Ҳазойин ул-маоний” тартибланди. Яна бу девонларга қирмай қолган еттидан ортиқ шеърлари аниқ-

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Алишер Навоийдек шоир борлигидан беҳад қувонамиз. Шундай шоирни бизга инъом қилгани учун ўзбек халқига буюк раҳматлар айтамыз. Ва уни нафақат ўрганамиз, балки ўқиймиз ҳам. Уни нафақат ўқиймиз, балки тафаккур ҳам қилиб, ўзимизники қиламиз...

Академик Н. И. КОНРАД.

ланди. Бугина эмас, 3150 ғазални жамлаган “Девони Фоний” тўплами шоир қаламининг саховатидан, бир масканда ва муомалада бўлган икки тил — форсий ва туркийнинг нуктадон эканидан дарак беради. Маълумки, “Хамса” нафақат

рати ўзига хос бир мақом (“аброр”) даражасига кўтарилганини, бу мақомдагиларни хайратлантирган 20 мақолат ва 64 модда хусусида батаҳқиқ назмий фикр юритганининг гувоҳи бўламиз. “Фарҳоду Ширин”, “Лайлию Мажнун”ларни ўқир экан-

миз, худди шоирнинг ўзи ўз ҳолатини аналгандандай, мутаассир бўлиб мутолаани тугатамиз. “Сабъай сайёр” дostonининг ҳайратни етти иқлимдан келган етти мусофирнинг етти кечада айтган ҳикояларининг ҳодисотида эмас, балки бу еттиликлар шаклида баён этилган қиссага камалақдаги етти ранг, мумтоз фалсафадаги етти мақом, мусикадаги етти оҳанг жам бўлгани учун ҳам улар бетакрор симфония каби янграйди. Нафақат муҳаббатга ошуфта етти қалб, балки минглаб қалбларнинг шеърый нидосига айланади бу сирли рақамлар. “Сади Искандарий” дostonи беш юз йил давомида ўқилгани каби бизнинг асримизда қайта-қайта мутолаа қилиниши лозим. Чунки бу асарда етуқ бир жамият, обод Ватан орзуси баён қилинган. Ҳазрат Навоий салафлари каби жаҳонгир Искандарни эмас, балки унинг “сади” (девор, тўсиқ)ни бош тимсол даражасига кўтарган. Бу рамзий тимсол орқали инсониятга ружу қилган, ташқаридан хавф солиб турган махлуқлар — яъжуж-маъжужларга қарши жангда тўсиқ қилиб, маърифатни жаҳолат йўлига қўндалан қўйгани билан ҳам қадрлидир.

(Давоми 4-бетда).

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Унда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилда амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши сарҳисоб қилинди.

Унда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилда амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши сарҳисоб қилинди.

Унда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилда амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши сарҳисоб қилинди.

Унда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилда амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши сарҳисоб қилинди.

Тадбир

органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирларни тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Тадбирда ушбу ҳужжатга мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, шунингдек, бозорлар ҳамда савдо комп-

лекслари фаолиятини назорат қилиш борасида солиқ тизимини, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида амалга ошири-

чи чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан Андижон, Навоий, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● “Кармана гипс маҳсулотлари” кўшма қорхонасида янги имкониятларни ўзлаштириш ҳисобида ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Хусусан, якунланган йилда қорхона жамоаси хорижлик буюртмачиларга 135,3 минг АҚШ долларли сифатли куриллиш материаллари етказиб берди.

● Данғара туманидаги “Етти камалак” фермер хўжалиги янги йилнинг дастлабки ойида хайрли ишга қўл урди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган хўжалик тумандаги кам таъминланган оилаларга етти бош қорамол совға қилди.

● Янгиер шаҳридаги “Жамшид” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдуқаҳор Кенжаев алюминийдан дераза ромлари ва эшик тайёрлашни йўлга қўйди. Натижада қорхонада қисқа мuddатда 24 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

● Осиё тараққиёт банкнинг 65 миллион АҚШ долларли қўмағи билан “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви тармоқларини яхшилаш” лойиҳаси раҳбарлигида амалга оширилди. Хозирга қадар ушбу лойиҳа доирасида Оролбўйининг олис овулларида истиқомат қилаётган қариб 73 минг кишининг хонадонига ичимлик суви кириб борди.

● Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ташаббуси билан кўча ва хиёбонлар ҳамда йўллар атрофини кўкаламзорлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бу ерда қисқа мuddатда йўл ёқаларига 20 минг тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида...

ТАЪЛИМДАГИ САМАРАДОРЛИК

мавжуд қонун ва дастурларнинг изчил ижросига боғлиқ

Таълим тизимидаги ислохотлар, айтиш жоизки, Хоразм вилоятида ҳам изчил амалга оширилмоқда.

савияси 2004 — 2005 ўқув йилидаги нисбатан 71,6 фоиздан 74,1 фоизгача, 2009 — 2010 ўқув йилида эса 2008 — 2009 ўқув йилидаги нисбатан 2,1 фоизга ошган.

Ушбу рақамлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси бўйича мазкур вилоятда ўтказган назорат-таҳлил натижаларига бағишланган йиғилишда келтирилган бўлиб, таҳлил жараёнида мактаб ёшидаги болалар ҳамда имконияти чекланган болаларнинг умумий ўрта таълим олишларини таъминлаш, 9-синфни тамомлаган йигит-қизларни касбга йўналтириш ва уларни ўқига қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилди.

жомлари билан жиҳозлиб, ушбу мақсадлар учун Мактаб таълими жамғармасидан 25 миллион сўм сарflanган.

Парламент назорати

ка лабораторияси асбоб-ускуналар, кимё, биология синф хоналари эса ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланмагани аниқланди.

таълим стандартларида белгиланган бериладиган сифат курсаткичларига жавоб бермайди.

Дарҳақиқат, таълим сифатининг самарадорлиги, аввало, ўқитувчига, унинг малакасига бевосита боғлиқ.

Шунингдек, йиғилишда вилоятдаги олий таълим муассасалари фаолияти хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Зиёда АШУРОВА.

Айни кунларда мамлакатимизда шеърят мулкисининг султони, мутафаккири, ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

БЕБАҲО МЕРОС ЭЪЗОСИ

Пойтахтимиздаги “Туркис-тон” саройида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳамда “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хузурдаги Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижодий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган “Навийнинг соғиниб...” мавзусидаги адабий бадиий кеча ҳам шундай тадбирлардан биридир.

Эътиром

Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Махмуд Тоир, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари Фарҳод Рўзиев, Ўзбекистон халқ артисти Абдушамид Исмоилов, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Хайдаров ва бошқалар таъкидлаганидек, Алишер Навоий ижодида ўз аксини топган меҳрмуҳаббат, хайр-саховат сингари эзгу гоғлар асрлар оша инсониятни ўзаро баҳамжихатлик ва эзуликка даъват этиб келмоқда.



Давра сухабатида шоирнинг ўзбек милол адабиёти ривожига қўшган беқиёс хиссаси, асарларида куйланган маънавий-ахлоқий қадриятлар, шунингдек, улуг бобокалонимизнинг жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги унутилмас хизматлари тўғрисида сўз юритилди.

“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хузурда ташкил этилган Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижодий маркази ҳам буюк мутафаккири асарларини кенг ўрганиш, газаллари асосида ёш ижрочилар томонидан кўшиқлар яратиш ва халқимизга тақдим этиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова ижросида Алишер Навоийнинг “Айлагач” газали асосида басталанган қўшиқ янграганда, тингловчилар бир олам завқ олишди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар учун иш ўринлари

Жондор тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан меҳнат ярмаркази ташкил этилди.

“Камолот” ЁИХ туман кенгаши билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда ҳудуддаги 54 та корхона ва ташкилот 346 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УМИДИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ, БАХТИМИЗ

бўлган ёшлар нафақат эртанги куннинг, балки бугунимизнинг ҳам ҳал қилувчи кучидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Президентимиз 2010 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида “Шу бугундан эътиборан бўлажак ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилашга киришиш,

рур”, деб таъкидлаб ўтдилар, — дейди Избоскан туманидаги Хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи директори Барно Раҳмонова.

моқдалар. Эътиборлиси, бу орқали ўқувчилар бўлажак иш ўринларини белгилаш баробарида, айни пайтда моддий манфаатдорликка ҳам эга бўлишмоқда.

— шоғирд” анъанаси асосида дарадорлик маҳоратига эга бўлиш баробарида, ўзлари тайёрлаган мебель маҳсулотларини ички бозорга қиқариб, даромад ҳам олишапти. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.



колледж ўқувчиларининг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташни ташкил этиш, бошқача айтганда, уларнинг аниқ бир иш жойига бириктириб қўйишларини таъминлаш за-

ҳужалиқларида ҳисобчи лавозимида иш бошлайдилар. Тумандаги “Лочин” кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасига ағалалаган билимларини амалиётда мустаҳкамла-

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

100 тоннадан зиёд маҳсулот

Навий шахрилик тадбиркор Анвар Ҳасанов ташаббуси билан ташкил этилган “Қўшчинор гўшт” хусусий корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Навий томонларда

Тадбиркор мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш учун банкнинг 30 миллион сўмлик кредити ҳамда ўзининг 50 миллион сўмлик шахсий маблағидан самарали фойдаланди.

Кармана туманилик тадбиркор Ориф Каримов ташаббуси билан уч гектар майдонда иссиқхона ташкил этилди.

Иссиқхона туҳфаси

Бунинг учун 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Таъкидлаш керакки, 120 киши меҳнат қилаётган мазкур мажмуада сўнгги уч ой мобайнида 300 тонна ноз-неъмат етиштирилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали томонидан тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар ўртасидаги қарздорлик ҳамда бошқа мулквий низоларни судда ҳал қилишнинг ўзинга хос хусусиятларига бағишланган давра сухабати ўтказилди.

Унда ҳакамлик судлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, суғурта, солиқ ва банк муассасалари, тегишли олий ўқув юртларидан вакиллар иштирок этдилар.

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ

тадбиркорлар ва фуқароларнинг мулквий низоларига ҳуқуқий ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Таъкидланганидек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

маблағ ўз эгаларига қайтарилишига эришилди. Айни чоғда филиалда тарафлар ўртасида келиб чиқаётган низоларнинг олдини олиш борасида муҳим чора-тадбирлар қўрилмоқда.

ЧЕКСИЗ ФУРУР ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Сафда турган йигитларга бир қаранг, буй-баста келишган, қалбидаги қатъият ва ишонч туйғуси шундоққина юз-кўзидан сезилиб турибди, — дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, офицери Набижон Валиев. — Уларга ҳавасингиз келади. Бу йигитларнинг билими, соғлиги, жисмоний тайёргарлиги қаққурув комиссиялари томонидан жиддий синновдан ўтказилган.

нинг Чинобод қишлоғидан чаққурилувчи Аббос Орипов. — Устозларимдан яхши билим олдим, касб ўргандим. Қолаверса, бир ярим йилдан бери спортнинг кикбоксинг тури билан шуғулланаман. Мана шу икки жиҳат менга мудатли ҳарбий хизматга бориш учун топишириладиган синновларда жуда қўл келди. Армияга кетаётганимдан, айниқса, ота-онам хурсанд бўлиши. Бу мен учун жудаям муҳим. Чунки уларнинг қўллаб-қувватлаши, оқ фотиҳа тилаши зиммамдаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этиб, юзларини ёруғ қилишимда катта далда бўлади.

— Ҳақиқатан ҳам, бошланғич синфларда ўқувчиларнинг билимга чанқоқлиги, қизиқишлари уларнинг юз-кўзидан кўринали туради, — дейди халқ таълими вазири ўринбосари А. Холбеков.

— Меңда армияга бўлган қизиқишнинг ортисига акам Шерзод сабаб бўлди, — дейди Беқобод шахрилик қаққурилувчи Шохруҳ Алматыев. — Гап шундаки, у киши мудатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларидан кейин диққат билан разм солдим: юриш-туриши, гаплари, фикрлари анча ўзгарган.

— Қибрай туманидаги Агротижорат касб-хунар коллежини тамомлаганман, — дейди ушбу тумандидаги ҳажимликларнинг таъкидлаши билан ҳам ҳар қуни эрта тонгда турли жисмоний машқларни бажаришни, маълум бир масофагача югуришни одатга айлантирдилар.

ДОЛЗАРЬ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти давлат солиқ хизмати органларида ҳўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил этиш ва ўтказишда текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши тўғрисидаги масалалар танқидий кўриб чиқилди.

Анжуман

ётган ҳолатларга чек қўйиш, бунинг учун давлат ва нодавлат тузилмалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш зарур.

Зокир ХУДОЙШУҚУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навоий замонида, хусусан, Хиротда, Уйғониш даври Фарб бадий тафаккурининг йирик вакиллари Рафазл, Леонардо да Винчи, Микеланжелолар қаторида Камолитдин Беҳзодни майдонга келтирди.

Тасвирий санъат йўналишининг ривож бадий адабиётга ўз таъсирини кўрсатди. Бунга мисол сифатида Навоийнинг "Сабаъи сайёр" дostonидаги иккинчи ҳикоятни келтириш мумкин.

ҲАМ МЎЪЖИЗА, ҲАМ СИНОАТ

Унда Зайд Заҳокнинг подшоҳга яхши кўриниш учун саккиз зинадан иборат ўзиюрар тахт (эскалатор) ихтиро қилганлиги ҳикоя қилинади. Бу ўша даврдаги амалий санъат тараққиёти даражасини ва унинг бадий сўз санъати билан узвий боғлиқлиги ҳолатини намоён этади. Маданият, санъат ва адабиётнинг бири-бири билан чамбарчас ривожланиши юксак бир маданий жараённинг пайдо бўлишига олиб келган.

Ана шу яхлит маданий жараёнда биз буюк мутафаккир шоирни ҳам расом, ҳам меъмор, ҳам мусиқачи, ҳам ўзининг чуқур илмий ҳофизасига эга бўлган олим сифатида кўралик. Хусусан, "Садди Искандарий" дostonида Навоий ихтирочи кимёгар олим сифатида намоён бўлади. Шоирнинг илмий фантазиялари эса ривоятчи бўлмай, ўзининг ҳаётий асосларига эга бўлганлигини биз биламиз.

Фотиҳ Искандар Кашмир ўлкаси томон юриш қилади. **Чу Кашмир ҳаддига кўйди аёғ, Падид ўлди бир чархпаванд тоғ.** Бу тоғнинг тошлари ҳайбатдан Ой кўкмиртир тусда кўринар эди. У гўёки фалакка қадар тарошлаб ясалгандек эди, икки томони шундай йирик эдики, уни ўтиш учун йўлга чиқмаган яхшироқ, Аммо

Бу янглиг бийик тоғ, анингдекки Қоф, Бўлбўл чархдин ерга тегру шигоф.

Шигоф — ёриқ орасида йўл бор эди. Бу тоғдан ўтадиган йўлнинг киравериш жойида кашмир аҳли ниҳоятда катта темир дарвоза ясаган эди. Аммо бу дарвозани яшириш учун унинг тўғрисида харсангтошлардан душманини қайтариш ниятида бир қалъа ясалган эди. Бу қалъани кўрган киши ваҳимага тушар, уни жоду, деб тасаввур қилар эди. Қалъа ичида икки мингта сехргар афсунчи жойлашган эди. Уларнинг нияти ҳеч кимни бу ерга яқин келтирмаслик. Агар ноҳос бирор киши қалъа томонга қадам қўйса, оёғи сустлашиб, ҳаракатдан қолар, ўз жонини ҳалокатда кўрар эди. Агар от бу томонга қараб чопса, оёқларининг кучи йўқолиб эди.

Искандар навкарлари бу ерга келиб ҳайрон бўладилар ва воқеадан шохни хабардор этадилар. Шох устози Арасту билан биргаликда айтилган гапларга ишонмай, қалъага яқинроқ келади ва

Дедиким: "Бу найраги Кашмирдур, Фусунгар иши макру тазвирдур. Керак қилмоқ андоқ анинг чороси Ки бўлғай нигун бурж ила бораси".

Шох эҳтиёт учун шеригини қалъадан узокроқда туширади ва ўзи билан доимо бирга юрган ўн беш ҳакимга мурожаат этиб, "Кашмир афсунчини даф этиш учун нима тадбир этмоқ лозим?" дейди.

Ҳаким — олимлар шохга асло ғам чекмаслиқни, икки кун ўйлашиб, учинчи кун бу афсун ечимини айтажакларини баён этадилар.

Дostonнинг шу жойида Навоийнинг илмий фантазияси — олимона тадқиқоти бошланади. У Искандар ёни-

даги олимлар аввал юлдузлар аҳволини ва уларнинг табиатларини қиёслаб ўрганганлиқларини баён этади. Сўнг улар темирчиларнинг металл эритадиган ва ҳаво берадиган асбобларини, анча металлни ҳозир қиладилар. Симоб, қалай ва бронзани аралаштириб, бир ўқ ҳозирлайдилар. Бу ўқ худди фалак каби юмалоқ шаклда бўлиб, ичи ҳам фалакнинг ичи-деки бўш эди. Ичини порох билан тўлдирдилар. Икки тешигига фатила (пилик) ўрнатдилар. Худди душман бошидек ўқнинг пилигига ўт боғлаб, уни тўлга жойлаб, душман қалъаси томон отишни ният қиладилар. Ўқ ичидаги пилик ҳавода учиб бориш асносида ёниб, ичида яширилган ашёга ҳам ўтади. Бу тилсимли ўқ ерга қаттиқ тегиб тушгач, пора-пора бўлиб йўқ бўлиб кетади. Шу онда ундан гаройиб садо чиқади, атрофга ажиб бир шуъла, шамол ва тугун тарқалади. Садо сеҳрни бузади, шуъла эса қалъа эшикларини очиб юборади. Тугун сеҳрларлар юзини қоп-қора қилади. Шамоли, яъни ҳидини ким ҳилласа, сеҳр илмини бутунлай унутади.

Ҳакимлар фотиҳ Искандарга:

Тилсимни ниҳонни аён қилдилар, Ниҳон барча рамзин баён қилдилар.

Шундан сўнг, Искандар кашмирийлар тилсимига қарши ясалган бу тилсим воситасида сеҳрли қалъани забт этади ва Маллу зулмидан безор бўлган мамлакатга эгалик қилади.

Шу биргина мисол Навоий даҳосининг яна бир ёрқин қиррасини намоён этади. Шоир шу муносабат билан ҳам илмни улуғлайди:

Билиқдин эрур ҳар бири бир жаҳон, Жаҳон ҳикмати ҳар бирида ниҳон.

Демак, фақат илм ва ҳикматгина ҳар қандай мушкулотни ҳал этиб, ҳатто каттиқ сеҳрни ҳам чил-чил синдиради экан:

Қилиб ҳикмат ойинига илтижо, Бузоли алар сеҳрини жобажо.

Хуллас, Алишер Навоий беназир даҳо сифатида Шарқ Уйғониш даври ютуқларини ўзининг бебаҳо асарлари орқали келажак авлодга етказиб берди.

Дилором САЛОҲИЙ, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори.

Шарқ мумтоз сўз санъатида нафақат янги гап айтиш, балки ана шу янги фикрни қандай шаклда, қайси бадий санъатлар воситасида ифодалаш жуда муҳим ҳисобланган. Алишер Навоийнинг асрдан-асрга ўтган сари тобора ошиб бораётган шухратининг асл сабаби ҳам асарларининг юксак бадийлигидир.

Навоий ижодида бадий воситалар истифода этилмаган оддий байт, ҳаттоки мисрани топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани етуқ маҳорат билан ифодалайди. Чунонки:

Нега итмишлар Масиху Хизр агар қилмайдурур Бирни руҳафзо лаби, Бирни хати хазро хижил?

Руҳафзо — жон бағишловчи, ҳаёт ато этувчи. Хазро — кўк, яшил. Хат — маҳбубанинг лаби устидаги майин туқлар. Шарқ мумтоз шеърятинида

маъшуканинг лаби кўпинча Хизр топган обиҳаёт чашмасига, хати унинг теграсини қоплаган майсага ташбеҳ қилинади.

Масих — Исо алайҳиссалом. Ривоят қилингандек, мўъжизаюқ қўли теккани заҳот кишилардаги хасталиқлар тузатиш кетгани боис, у ал-масих — силловчи, деб улуғланган. Ҳусни таълил — чиройли



(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳонни забт этган Искандарнинг бу дунёдан очиқ кўллари билан кетиши нафақат нафс бандалари, балки тириклик мазмунини тирикчилик деб билган бандалар учун ҳам огоҳлик дастуридир. "Лисон ут-тайр"да Ҳазрат Навоий

Академик Н. И. Конрад "Лайли ва Мажнун"ни ўқир экан, ундан олган ҳайратини аширмай ёзади: "Шоирлар ўлим билан тугаган муҳаббат талқинида турли сўзларнинг қўлланганлар. Алишер Навоий бўлса:

Чун руҳ ила руҳ топти пайванд, Бир маҳд аро ётқур ики фарзанд... Жонога ул фидо қилиб жон,

шер Навоий юқоридаги ифодани топиб айтган. Алишер Навоийдек шоир борлигидан беҳад қувонамиз. Шундай шоирни бизга инъом қилгани учун ўзбек халқига буюк раҳматлар айтамыз. Ва уни нафақат ўқимиз, балки ўқиймиш ҳам. Уни нафақат ўқиймиш, балки тафаккур ҳам қилиб, ўзимизники қиламиз... Биз

«АЛИШЕР НАВОЙДЕК ШОИР БОРЛИГИДАН БЕҲАД ҚУВОНАМИЗ»

қушлар тилида сўзлаб, инсон кўнглидаги турфа феъллар ва руҳият иқлими-ридан сўз очади. Уларнинг муроди "Семурғ" васли экани ҳам моддий ҳикояларда, ҳам тилсимли рамлларда гўзал баҳосини олган. Айни асар Навоий болалик пайтлари ўзи ёд олиб юрган Фаридудин Атторнинг "Мантик ут-тайр"и асосида яратилган бўлса ҳам, унинг бетакрор улуғворлигини исботлаган академик Е. Э. Бертельс ўз мақоласини шундай тугатади: "Шоирлар бўладики, бизни ўзларига таъзим қилишга мажбур қиладилар, лекин баъзан киши ижодкор олдида шошиб қолади: унинг даҳоси олдида таъзим қилиш билан бирга, уни инсон сифатида буюк муҳаббат билан биздан талаб қилади. Мир Алишер Навоий ана шундай улўғ инсон ва шоир эди".

Бу жон берибон нечукки жонон. Кирди ики жисм бир кафанга, Йўқ, йўқ ики руҳ бир баданга,

Навоийни бугунги ҳаётимизга зарур бўлган шоир сифатида ўқиймиш керак. У буюк бир Уйғониш давридан иккинчи, тарихий маънода каттароқ бўлган Уйғониш даврига қадам қўйди.

“Шоирлар бўладики, бизни ўзларига таъзим қилишга мажбур қиладилар, лекин баъзан киши ижодкор олдида шошиб қолади: унинг даҳоси олдида таъзим қилиш билан бирга, уни инсон сифатида буюк муҳаббат билан биздан талаб қилади. Мир Алишер Навоий ана шундай улўғ инсон ва шоир эди”.

Академик Е. Э. БЕРТЕЛЬС.

дея тасвирлайди. Навоийнинг ушбу мўъжизакор сўзлари Тристан ва Изольданинг, Уста ва Маргаританинг ўлими ва севгиси ҳақида ҳам айтилгандек гўё. Лекин мўъжизакорлиги шундаки, Али-

йили ҳар бир қадамада янги-янги қалбларни забт этажак.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ, филология фанлари доктори, профессор.

далил келтириш бўлиб, бунда келтирилган далил ҳақиқатдан аниқроқ бўлади, шоирлар лутф юзасидан уни ваҳ қилиб кўрсатадилар. Аслида бу "гўзал ёлғон" бўлиб,

обихаёт теграсидаги майсасининг гўзаллиги билан мақтанган Хизрининг уятдан ерга кириб кетди?" — бу ерда шоир тасвир объектини яхши билгани ҳолда, уни ёрқин ва таъсирчан ифодалаш мақсадида риторик савол усулидан фойдаланади. "Таҷоҳули орифона" асосида кўпинча ташбеҳ ётади. Ўз-ўзидан байт ташбеҳ санъатидан ҳам холи

эмас — жонбахшлиги туғайли Масих нафаси ва ёр лаби, гўзаллиги жиҳатидан обихаёт чашмаси теграсидаги майса ва маҳбубанинг лаби устидаги нафис хати ўзаро бир-бирига ўхшатилаётти.

Руҳафзо сатрлар

Шунингдек, бу ерда "бирни" сўзининг икки марта қўлланиши такрор санъатини ҳосил қилгани, бу байтнинг жарангдор ва таъсирчан чиқишига олиб келган. Маълум бўладики, биргина байтнинг ўзида бир неча санъат маҳорат билан уйғунлашган. Алишер Навоий истеъдодининг юксаклиги ҳам, асарларининг бадий баркамоллиги ҳам шунда.

Жолатдан ўлдирмаган бўлмаса, нега Масих ва Хизрининг бири кўкка чиқиб, бири ерга кириб кетди?" — бу ерда шоир тасвир объектини яхши билгани ҳолда, уни ёрқин ва таъсирчан ифодалаш мақсадида риторик савол усулидан фойдаланади. "Таҷоҳули орифона" асосида кўпинча ташбеҳ ётади. Ўз-ўзидан байт ташбеҳ санъатидан ҳам холи

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди.



Қатрада қуёш акси

● Алишер Навоий 1480 — 1500 йиллар мобайнида ўз маблаглари ҳисобидан бир неча мадраса, 40 работ (сарфардаги йўловчилар тўхтаб ўтиш жойи), 17 та масжид, 10 та хонақоҳ,

9 та кўприк, 20 та ҳовуз, 9 та ҳаммом қурдиради. Хусайн Бойқаро Алишер Навоийга "Муқарраби ҳазрати султоний" ("Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси") деган унвонни берди.

● Алишер Навоий таржимаи холи ўз даврида Хондамир, Восифий, Хусайн Бойқаро, Бобур каби тарихчи ва давлат арбобларининг асарларида акс этган.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Навоий каламига мансуб 24 асарнинг 254 та қўлёмаси сақланади, уларнинг аксарияти девонларнинг нусхалари. Навоий девонлари профессор Ҳ. Сулаймон томонидан йиғилиб, тасниф этилган. "Илк девон" Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин кутубхонасида сақланади. "Наводирун-нихоя" асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланадиган нусхалари ниҳоятда нодир бўлиб, улар Навоий даврида Хиротда Султон Али Машҳадий (1487 йил), Абдуҷамил котиб (1487-1488 йиллар) томонидан кўчирилган.

● Алишер Навоийнинг ҳайкали дунёнинг Москва, Боку, Токио шаҳарларида ўрнатилган.

Нодир мерос

Ҳазрат Алишер Навоийнинг асарлари замирида Инсон ва Инсонийлик бирламчи, устувор аҳамиятга эга. Шу боис унинг ҳар бир ашъори кишини эзгуликка ундайди. Шоирнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асаридаги мазкур сатрлар ҳам абадиётга дахлдор ўғитлар сирасидандир:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Ҳар кимсаки, айламас ошукмоғни хаёл, Яфрўғни ипақ қилур, чечак баргини бол.

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдурур, Яхши қиймак бирла хотунларга оройишдурур.

Эл айбини айтурга бировким, узотур тил, Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

Илм ўқуб, қилмағон амал мақбул, Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

Жавоҳир

Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким,
Ошино бўлдум санга?!
Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.
Мен қачон дедим вафо қилғил манга, зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манго, бўлдум санга.
Қай парипайкарга, дерсен, телба бўлдум бу сифат,
Эй парипайкар, не қилсан қил манго, бўлдум санга!
Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим — аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга!
Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқие, то тарки жоҳ айлаб, гадо бўлдум санга.
Гусса чангиндин навоё топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Ҳикматлар

Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар.

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам боре қилма.

Икки кеманинг учин тутган фарқдур.

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиг сўзни кўп эшитурдан қайтма.

Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демас оқил иши эмас.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 77169 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

● МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5